

Давлат солиқ қўмитаси Раиси ўринбосари А.Файзибаевнинг
2022 йил I ярим йиллик давомидаги фаолияти кўрсаткичлари
юзасидан қисқартирилган

М А Ў Л У М О Т

Ҳисобот даврида амалга оширилган ишлар натижасида бюджетга **3020,6 млрд.сўм** маблағларнинг тушуми таъминланди.

Дастурий маҳсулотларни амалиётга татбиқ этиш натижасида солиқ ҳисоботларида **2931,0 млрд.сўмлик** тафовутлари мавжуд бўлган **9,6 мингта** тадбиркорлик субъектларида солиқ текширувидан олдинги таҳлиллар ва камерал солиқ текширувлари ташкил қилинди.

Ўтказилган **сайёр солиқ** текширувлари натижасида бюджетга **70,9 млрд.сўм** молиявий жарималар ундирилди.

Белгиланган 480,0 млрд.сўм қўшимча манба маблағларини бюджетга жалб этиш мақсадида норезидентлар томонидан бажарилган ишлар ва кўрсатилган хизматлар бўйича валюта операциялари таҳлил қилинди. Амалга оширилган ишлар натижасида белгиланган режа-топшириқ ижроси **502,7 млрд.сўмга** ёки **104,7 %га** бажарилди.

Солиқ тўлашдан бўйин товлаётган ва фаолиятида солиқ хавфи юқори даражада бўлган **233 та** солиқ тўловчиларда солиқ аудитларини ўтказилиб, бюджетга **974,3 млрд.сўм** солиқлар қўшимча ҳисобланди ва **254,1 млрд.сўм** миқдорида молиявий жарималар қўлланилди.